

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНING
ҚАРОРИ

81 Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1573-1

(2010 йил 27 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги ПҚ-1257-сон «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 4-модда) асосан Кенгаш **қарор қилади:**

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2006 йил 11 мартдаги 06-01-01-сон қарори билан тасдиқланган «Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг (рўйхат рақами 1573, 2006 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 19-сон, 168-модда) 4-илоvasи қуйидаги тахрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари бошлиқ-

ларининг буйруқлари асосида бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари, шунингдек улар ҳудудида фаолият кўрсатётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида бир марталик йиғимлар топширилиши, ижара тўлови тушуми ва ҳисоби тўлиқ юритилиши, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланилиши, савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя қилиниши юзасидан ўтказиладиган ҳар кунлик текширишлар. Бунда, Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан тегишли равишда Кенгаш ёки унинг вилоят ҳудудий комиссияларига ҳар куни ўтказилган текширишлар бўйича текширилган субъектлар, аниқланган ҳолатлар ва кўрилган чоралар тўғрисида кунлик маълумот тақдим этиб борилади».

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири,
Республика кенгаши раиси

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 24 февраль,
01-сон